

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2012 йил 26 декабрдаги
507 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

Филология (Қорақалпок тили)

олий таълим муассасалари педагоглари учун малака ошириш йўналишининг
ўкув дастури

Тошкент – 2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ
МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2012 йил 25 декабрдаги 4 -сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: ЎзМУ доценти: п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев,
ТДПУ профессори: п.ф.д. Н.А.Муслимов,
ҚДУ профессор-ўқитувчилари: фал.ф.д.,
А.Бердимуратова ф.ф.д., проф. Ш. Абдиназимов,
и.ф.н., доц. Ш. Арзуова, п.ф.д., проф. У. Алеуов,
ф.-м.н, доц. Р.Мустафаева, т.ф.н., доц. Ш.Ешмуратов,
п.ф.н., А. Тажиева, катта ўқитувчи, Н.В. Пирниязова,
ф.ф.д., проф. М. Қудайбергенов , ф.ф.н., доц.Ш.Алланиязова

Такризчилар: ф.ф.д., проф. М. Қудайбергенов – ҚДУ “Қорақалпок тилшунослиги “ кафедраси мудири,
ф.ф.д., проф. О.Доспанов– НДПИ “Қорақалпок тилшунослиги “ кафедраси профессори.

Ўқув дастурлари Бердақ номидаги Қорақалпок давлат университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2012 йил 14 - ноябрдаги 4/8.9-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фanni ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараённда самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Тилни систем тахлил қилиш;
- Тилшуносликдаги сўнгги илмий янгиликлар.;
- Филология фанларида методология, услуб ва усул масалалари.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Филология (*Қорақалпоқ тили*)” фандан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, қўнирма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Филология (*Қорақалпоқ тили*)” фандан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, қўнирма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёrlаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- тилнинг асосий ва оралиқ сатҳлари;
- этик ва эмик ҳолат;
- лисоний ва нутқий бирликлар;
- бинар оппозиция ва белгилар иерархияси;
- матн ва система аспектлари;
- интердепенденция, детерминация, консталляция;
- лексемаларнинг парадигматик қаторлари;

- лексеманинг мазмун гурухлари;
- лексемаларнинг мавзуй тўдалари;
- систем лексикологиянинг анъанавий лексикологияга муносабати, ундан фарқи;
- ёзув, имло, орфография тамойиллари, луғатларни баҳолаш кўникмалари;
- адабий тил меъёрлари ва унга мос бўлмаган ҳолатларни баҳолай олиши;
- матнни таҳрир қилиши, камчиликларини белгилаши, уни таҳлил қилиши;
- матнни услубий баҳолай олишини;
- тилшуносликнинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини **билиши** керак.

Тингловчи:

- семиотика, прагматика;
- табиий, сунъий ва информатив белгилар;
- сўз, лексема, морфема ва гап асосли бирликлар;
- сонема, нонема, вариант, инвариант;
- ушоқ ва чуқур дистрибуция, умумий, қўшимча ва контраст дистрибуция;
- фонологик ва морфологик элементларни аниқлаш;
- систем лексикологиянинг асосий тушунчалари;
- систем лексикологиянинг таҳлил усуллари;
- лексеманинг шакли (номема) ва мазмуни (семема);
- семеманинг таркиби;
- лексемалардаги парадигмалар;
- лексик ва семантик майдонлар;
- автоматик бошқарув тизимида тил масалаларидан машина таржимаси соҳасида қилинаётган ишлардан хабардорлик, натижалардан фаолият давомида фойдаланиш;
- қорақалпоқ мумомала маданияти ва нутқ маданияти масалалари, уларга хос тушунчалардан хабардор бўлиш, нутқ жараёнида улардан фойдаланиш;
- бошқа ёзувдаги матнни дешифровка қилиш;
- қорақалпоқ тилида луғат тузишда замонавий ёндашув ва усулларни қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- М.Покровский, И.Трир, В.Порциг майдонлари;
- асосий, ясама тил бирликлари;
- ассоциатив майдонлар;
- тенг қийматли, мутаносиб, даражали, нотўлиқ зиддиятлар;
- лексемаларнинг мазмун гурухи қуршови ва маркази;
- фонетик ва фономорфологик таҳлил методларини қўллай олиш,

- қорақалпоқ тили лексик бирликларининг маъно хусусиятларини ажратади;
- умумтуркий лексемаларнинг типологик белгиларига кўра аниқлашади;
- лексемаларни ифода тарзи ва вазифасини баҳолашади;
- сўз гурухларининг парадигмаларини фарқлашади;
- морфологик категорияларнинг маъно – вазифаларини қиёслашади;
- морфологик парадигмаларнинг нуткда вокеланиш кўламини белгилашади;
- қорақалпоқ тилидаги матнни стилистик жиҳатдан таҳрир қила олишади;
- матн тилшунослиги методларини қўллай олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитища замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитища дарслик, ўкув қўлланмалар, маъзуза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гурухларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўкув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўкув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

“Филология (Қорақалпоқ тили)” малака ошириш курсининг ўкув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётини сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг

ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонулар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. Таълим сифати менежменти.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битиравчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битиравчি талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

II. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристики. Замонавий комуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик муроҷот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилияtlари.

Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш қўнимаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Тилни систем таҳлил қилиш.

Фонетика ва лексикологияни систем таҳлил қилиш. Фонема ва товуш тушунчалари. Лексема ва сўз тушунчалари. Морфология ва синтаксисни систем таҳлил қилиш. Морфема ва морф тушунчалари. Сўз бирикмаси, гап, матн ва модел тушунчалари.

3.2. Тилшуносликтаги сўнгги янгиликлар.

Қорақалпоқ тилшунослигининг фонетика соҳасидаги илмий янгиликлар. Алифбодаги ўзгаришлар ва уларнинг сабаблари. Фонема теориясы. Лексикология. Лексема ва сўз. Сема ва унинг турлари. Грамматика соҳасидаги янгиликлар. Морфемика. Морфонология. Сўз ясалиш ва морфология. Синтаксис. Кўшма гап ва уларнинг таснифи. Матн тилшунослиги.

3.3. Филология фанларида методология, услуб ва усул масалалари.

Методология ва метод масалалари, ўқитиш методларини таснифлаш. Қорақалпоқ тилини ўқитишида қўлланиладиган методлар. Маъруза ва унинг турлари, муаммоли маърузаларни, дарсларни ўқитиш методлари. Семинар дарслари ва уларнинг технологик карталарини тузиш. Амалий машғулотларда

қўлланиладиган методлар. Мустақил ишлар. Илмий-услубий адабиётлар билан ишлаш.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.

Амалий машғулотларда дидактик таъминоти. Семинар дарсларда дидактик таъминоти. Мутахассисликлар умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Фонетика ва лексикологияни ўқитишдаги инновациялар. Морфология ва синтаксисни ўқитишдаги инновациялар. Инновацион фаолият тузилмаси. Мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнида инновация. Тил соҳаларини ўқитиши фаолиятига инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари.

V. Танлов фанлари модули

Таълим соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси хузуридаги миңтақавий марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, педагогика, психология фанлари ва уларни ўқитишининг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепцияси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).

- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).

- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.

- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.

- Даражали тестлар банкини яратиш.

- Кейслар банкини яратиш.

- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;

- кириш;

- асосий қисм;

- хулоса;

- фойдаланган адабиётлар рўйхати;

- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;

- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;

- мультимедия дарслекларини яратиш мезонлари;

- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;

- касбий педагогика муаммолари;

- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;

- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;

- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;

- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;

- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;

- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Қорақалпоқ тилининг фонологик тизимини. унли ва ундош фонемаларнинг фонематик хусусиятлари.

2. Қорақалпоқ тилининг сегментлик бирлиги фонема, суперсегментлик

(сингармонизмлик) бирлиги сингармем эканлиги.

3. Дифтонглар ва уларнинг фонематик хусусиятлари.
4. Қорақалпоқ тилининг товуш тизимининг ўрганилиши.
5. Қорақалпоқ тилининг унли ва ундош фонемалари, уларнинг дифференциал ва дифференциал эмас белгилари.
6. Геминация ва уларнинг фонологик хусусиятлари.
7. Қорақалпоқ тилининг сингармонизми.
8. Лексик сатҳ, унинг узгарувчанглиги ва системавийлиги.
9. Қорақалпоқ тили лексикологияси ва фразеологияси ўрганилиши тарихи.
10. Лексик зиддиятлар, луғавий тизимчалари.
11. Қорақалпоқ луғатчилиги тарихи, луғат турлари.
12. Лексика ва унинг тарихий қатламлари.
13. Қорақалпоқ тилининг лексемаларини ажратади олиш.
14. Қорақалпоқ тилининг систем лексикологиясини талабаларга ўргатиш.
15. Қорақалпоқ тилининг луғатларини қўллана билиш, сўз ўрнида фразеологизм ишлатиш.
16. Норматив, академик ва назарий грамматикаларни ажратиш.
17. Назарий грамматиканинг асослари.
18. Қорақалпоқ тилшунослигида назарий грамматиканинг шаклланиши ва ривожланиши.
19. Қорақалпоқ тилида сўз ясаш усувлари бўйича назариялар.
20. Қорақалпоқ тилида сўз туркумларини тасниф қилиш бўйича назариялар.
21. Қорақалпоқ тилида грамматик маъно ва уларнинг ифодаланиши бўйича назариялар.
22. Қорақалпоқ тилида гап, гап бўлаклари, қўшма гаплар бўйича назариялар.
23. Қорақалпоқ тилшунослигида назарий грамматиканинг динамикаси.
24. Назарий грамматиканинг шаклланиш ва ривожланиши.
25. Қорақалпоқ тилида сўз ясаш усувлари.
26. Умумий ва ҳусусий методика орасидаги фарқлари.
27. Ўқитишик методлари назариялари.
28. Кўргазмали методлар.
29. Маъруза ва семинарларни ташкил қилиш омиллари.
30. Интерфаол методларни қўллай олиш.
31. Дарсларни ташкиллаштиришда информацион технология, интернет ва видео проекторларни қўллай олиш.
32. Таълимнинг турлари.
33. Назарий омилларни билиш ва амалда қўллай олишга эга бўлиш.
34. Кўргазмали воситалар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва амалда қўллай олиш.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари,

педагогик ва ахборот технологияларини кўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъодод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон». –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16- февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш түғрисида”ги 25-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари түғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 278-сонли қарори.

22.Дәўлетов А. Ҳәзирги қарақалпақ тили. Фонетика. Нөкис, 1999.

23.Дәўлетов А. Ҳәзирги қарақалпақ тилиниң фонетикасынан практикум. Нөкис, 1989.

24.Басқаков Н.А. Каракалпакский язык. т.II. Фонетика и морфология. Часть первая (части речи и словообразование) М., 1952.

25.Дәўлетов А. Қарақалпақ тилинде сингармонизм. Нөкис, 1993.

26.Дәўлетов А. Ҳәзирги қарақалпақ әдебий тилиниң сеслик дүзилиси. Нөкис, 1994.

27.Убайдуллаев К. Ҳәзирги заман қарақалпақ тили. Фонетика. Нөкис, 1965.

28. Бердимуратов Е. Әдебий тилдин функциональлық стильлеринің рауажланыўы менен қарақалпақ лексикасының рауажланыўы. Нөкис, 1973.

29.Бердимуратов Е. Ҳәзирги қарақалпақ тили. Лексикология. Нөкис, 1994.

30.Қәлендеров М. Қарақалпақ тилндеги синонимлердин грамматикалық, структуралық ҳәм лексика-семантикалық өзгешеликleri. Нөкис, 1989.

31. Алланиязова Ш. Қарақалпақ тилиниң қол-өнер лекискасы. Нөкис, 1997.

32. Бекбергенов А. Қарақалпақ тилиниң стилистикасы. Нөкис, 1990.

33. Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилиниң қысқаша фразеологиялық сөзлиги.Нөкис, 1985.

34. Қарақалпақ тилиниң түсндиরме сөзлиги, I-IV томлары. Нөкис, 1982-1992.

Ҳәзирги қарақалпак әдебий тилиниң грамматикасы. Сөз жасалыў ҳәм морфология. Нөкис, 1994.

35. Басқаков Н.А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология. Часть первая (части речи и словообразования). М., 1952.

36. Басқаков Н.А. Каракалпакский язык. III. Морфология. (слово изменения), синтаксис (словосочетание и предложение). Нукус, 1995.

37. Бекбергенов А. Қарақалпақ тилинде санлықлар. Нөкис, 1976.

38. Дәўлетов М. Ҳәзирги қарақалпақ тилинде фейилдин функциональ формаларының системасы. Нөкис 1990.

39. Ембергенов У. ҳәзирги қарақалпақ тилинде еликлеўиш сөзлер. Нөкис, 1990.

40. Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилинде рәүиш. Нөкис, 1976.

41. Нажимов А. Қарақалпақ тилинде жуп ҳәм тәкирар сөзлер. Нөкис, 1976.

- 42.Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. Морфология (словоизменение), синтаксис (словосочетание и предложение). Нукус, 1999.
- 43.Даўлетов М. Хазирги қарақалпақ тилиниң пунктуациясы. Нөкис, 1999.
- 44.Нажимов А. Хазирги қарақалпақ тили синтаксиси. Қоспа гәплер бойынша практикум. Нөкис, 1990
- 45.Хазирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. Синтаксис. Нөкис, 1992.
- 46.Хазирги қарақалпақ тили. Синтаксис, Нөкис, 1996.
- 47.Бердимуратов К. Структура придаточного предложения в каракалпакском языке. Нукус, 1992.
- 48.Дәўенов Е. Қарақалпақ тилиндеги фейил сөз дизбеклеринин түрлери хәм дүзилиў жоллары. Нөкис, 1996.
49. Дәўлетов М. Ҳәзирги қарақалпақ тилинде қоспаланған жай гәpler. Нөкис, 1976.
- 50.Дәўлетов М. Қарақалпақ тилинде пысыклауыш категориясы. Нөкис, 1992.
- 51.Abduraxmanov D. Pedagogik texnologiya. Toshkent, 2001
52. Berdimuratov E., Pirniyazov Q. Orta mekteplerde qaraqalpaq tilin oqitiw metodikası. No'kis, 1988
53. G'ulamov A., Nematov H. Ona tili talimi mazmuni. Toshkent, 1995
54. Qutlimuratov B. Qaraqalpaq tilin oqitiwdin' ayirim ma'seleleri. No'kis, 1992
55. İsabaev A'. Qazaq tilin oqitiw metodikası. Toshkent, 2003
56. Roziqov H.B. Ona tili didaktikası. Toshkent, 2005
57. Tuxliev h.b. O'zbek tili uqitish metodikasi. Toshkent, 2006
58. Tuxliev V. Filologik talimda innovatsion texnologiyalar. Toshkent, 2004
59. İshmuxammedov R., Abdukadirov A., Pardaev A. Talimda innovatsion texnologiyalar. Toshkent 2008.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. www.press-uz.info
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. www.ziyonet.uz
12. www.edu.uz

13. www.pedagog.uz

14. www.tdpu.uz

